ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИК

З.АЗИМОВА

В данной статье рассматриваются вопросы организации социального сотрудничества в процессе осуществления нравственно-просветительской работы в вузах. Подчеркивается важность социального сотрудничества в организации и проведении данной работы.

The article deals with the social collaborations between higher educational institutions in the process of moral and enlightenment work in the educational institutions. The author stresses the importance of collaborative work in these spheres.

Республикамиз олий ўқув юртларида маънавий-маърифий ишлар тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш, шу соҳада олиб борилаётган ишлар, киритилаётган янгиликлар, учраётган муаммолар ва уларнинг ечимларини аниқлаш имкониятларини яратади. Шу сабабли биз олий ўқув юртига комплекс, яхлит бир таълимий ва тарбиявий тизим сифатида ёндашиб, унинг ижтимоий тарбиянинг бошқа иштирокчи-омиллари – давлат ва нодавлат ташкилотлари билан тарбиявий ҳамкорлиги масаласини ўрганишни тадқиқотимиз вазифаларидан бири сифатида белгиладик.

Авваламбор, юридик шахс мақомида фаолият кўрсата бошлаган нодавлат ташкилотларнинг йўналиши, соҳалари турлича бўлса-да, уларнинг маънавий-маърифий соҳадаги иштироки, вазифалари низомларида белгилаб қўйилган.

Мамлакатда кечаётган маърифий-мафкуравий ишларда иштирок этаётган субъектлар тарбиявий ҳамкорлигининг самараси, энг аввало, бу ҳамкорликнинг мувофиқлаштирилиши билан белгиланади. Бу борадаги ҳамкорлик ва уни мувофиқлаштириш зарурати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 10 мартдаги 84-сонли “Маърифий-мафкуравий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш Кенгашини тузиш тўғрисида”ги Қарорининг мазмун-моҳиятини ташкил этди. Қарорда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида ўзгариш ва янгиланиш, ўзлигимизни англаш ва умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашув жараёнлари фаоллашиб бораётган, тарихий-миллий меросга қизиқиш ортаётган ҳозирги шароитда маърифий ва мафкуравий тарғибот ишларини такомиллаштириш, матбуот, радио, телевидение, театр, китоб нашр этиш, мусиқа ва санъат соҳаларининг фаолиятини мувофиқлаштиришни тақозо қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Шу сабабли 2000 йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзтелерадиокомпания, Давлат матбуот қўмитаси, “Ўзбеккино” давлат акционерлик компанияси, Ёзувчилар уюшмаси, Оммавий ахборот воситa-

ларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамда ижодий уюшмалар жамоатчилик асосида Маърифий ва мафкуравий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш Кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги таклиф билан чиқишди.

Кенгаш зиммасига халқимиз, айниқса, ёш авлод онгига миллий ғояни чуқур сингдиришга, унинг мустақил тафаккурини юксалтиришга хизмат қиладиган бадиий, санъат ва публицистик асарларининг яратилишига кўмаклашиш, уларни миллий мафкура ва умумбашарий қадриятларга уйғунлик, тарихий ҳақиқатни тўғри акс эттириш нуқтаи назаридан баҳолаш ва қўллаб-қувватлаш, яратилаётган кино-видео ва саҳна асарлари, нашр этилаётган китобларнинг бадиий савиясини яхшилаш юзасидан илмий-бадиий жиҳатдан асосланган таклиф ва тавсиялар бериш асосий вазифалар сифатида юкланди.

Бу эса вилоятлар, олий ўқув юртларида маънавий-маърифий ишларни ижтимоий-педагогик мувофиқлаштириш учун қўшимча туртки бўлди. Масалан, Андижон Давлат университетида Афғонистондаги воқеаларга доир Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Баёноти ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг мухбири саволларига жавобларидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган йиғилишда иштирок этган маънавий-маърифий ҳамкорлар рўйхати ҳам мазкур фаолиятни мувофиқлаштириш йўлидаги ҳаракатларга мисол бўлади.

Йиғилишда:

шаҳар, туман ҳокимликларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари,

халқ таълими бўлимлари мудирлари,

шаҳар, туман газеталари муҳаррирлари,

маънавият ва маърифат бўлимлари раҳбарлари,

маданият бўлимларининг бошлиқлари,

олий ўқув юртларининг ректорлари, маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи проректорлари, ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари мудирлари,

ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ўқув юртларининг директорлари, маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарлари,

вилоят ва тармоқ газеталарининг муҳаррирлари,

вилоят газеталари ва телевидениесининг мухбирлари,

жамғармалар ва сиёсий партияларнинг вилоят бўлими раҳбарлари,

вилоят театри, музейи ва кутубхоналари директорлари,

вилоят телерадиокомпанияси раиси,

вилоят касаба уюшмалари ва тармоқ қўмиталари раҳбарлари,

вилоят бош имом хатиби,

хотин-қизлар қўмиталари фаоллари ва бошқалар қатнашдилар.

Мазкур анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистондаги вазиятга доир расмий Баёноти ва ЎзА мухбири саволларига берган жавоблари бўйича олиб бориладиган тарғибот ишларининг асосий ижтимоий-педагогик вазифалари белгилаб берилди.

Булар:

1. Дунёдаги ва минтақамиздаги бугунги ижтимоий-сиёсий вазият, 11 сентябрь воқеаларидан сўнг терроризмга қарши курашнинг янги босқичга кўтарилганини фуқаролар, талабалар онгига сингдириш.

2. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президентининг Баёноти, ЎзА мухбири саволларига жавобларининг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ билиш ва англаш лозимлиги.

3. АҚШнинг халқаро терроризм ўчоқларига қарши бошлаган амалий ҳаракатларига нисбатан Ўзбекистон ҳукуматининг аниқ позициясини Президентнинг Баёноти ва интервьюси асосида тушунтириш ишларини ташкил этиш.

4. Бу масалаларни холисона ёритиш, аҳоли, талабаларнинг тўғри тушунишига эришиш.

5. ОАВдаги чиқишларга аниқ маълумотларга эга, вазият билан яхши таниш бўлган мутахассис профессор-ўқитувчиларни жалб этиш.

6. Аҳоли ўртасида олиб бориладиган оғзаки тарғибот-тушунтириш ишларида олимлар, гуруҳ мураббийлари, жамоатчилик вакиллари ва диний уламоларининг фаол иштирокини таъминлаш.

7. Терроризм мафкурасига қарши тарғибот ишларининг кампаниябозликка айланишига йўл қўймаслик, бу жараённи муттасил кузатиб бориш ва шу асосда таклиф-мулоҳазалар тайёрлаш.

8. Ёшлар тарбияси учун масъул шахс ва ташкилотларга мунтазам тарзда зарур услубий ёрдам ва тавсияларни бериб боришга келишиб олинди.

Кўриниб турганидек, бундай ижтимоий-педагогик яхлит ёндашув нафақат талабалар, балки барча фуқароларда Ўзбекистон Президентининг Афғонистондаги вазиятга доир расмий Баёноти ва ЎзА мухбири саволларига берган жавоблари бўйича бир хил, тўғри фикр ва қарашларнинг шаклланишига хизмат қилди.

Бу эса талабалар тарбияси ва унинг бош субъекти – маънавий-маърифий ишлар тизими фао-

лиятига қўшимча, бой имкониятлар яратди. Бироқ Республика Олий ўқув юртларининг бу борадаги фаолиятини ўрганиш олий ўқув юртларида маънавий-маърифий ишларни ташкил қилишда давлат ва нодавлат ташкилотлар орасидаги ҳамкорликнинг илмий асосланган механизми, тамойиллари ишлаб чиқилмагани, бу эса мавжуд имкониятлардан тўла, комплекс фойдаланилмай қолишга сабаб бўлаётганини кўрсатди.

Ўрганилган маънавий-маърифий ишлар режаларининг 71% ида ҳамкорлик кўзда тутилган, бироқ маънавий-маърифий ҳамкорлик предмети тўлиқ англанмаган, унинг мазмуни ҳам номаъқуллигича қолаётган эди.

Иккинчидан, мамлакатимизда амалга оширилаётган “Кучли давлатдан – кучли жамиятга” тамойили жамиятимизнинг “тарбияловчи жамият”га айланишини, бунинг учун эса давлат ва нодавлат ташкилотларнинг маънавий-маърифий фаолиятдаги иштирокини кучайтиришни тақозо қилмоқда. Бу эса Ўзбекистонда олий таълим тизимининг нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки маънавий-маърифий ҳаётга ҳам тобора чуқурроқ кириб бораётганини, жаҳон миқёсида эса ўқув юртларининг илмий, иқтисодий ва сиёсий, ахборот, ижтимоий жабҳаларга интеграциялашаётгани ва, ўз навбатида, олий таълимнинг цивилизацияга системалаштирувчи таъсир кўрсатаётганини тасдиқлайди.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва дастурининг ижтимоий-педагогик хусусиятларини тадқиқ қилган педагогика фанлари доктори Ш.Э.Қурбоновнинг таъкидлашича, «узлуксиз таълим тизимида кадрлар тайёрлашни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилашда бу жараённинг узоққа йўналтирилганлигини ва системали характерга эгалигини назарда тутиш керак. Шунингдек, минтақа, мамлакатга хос тарихий, маданий ва миллий хусусиятлар инобатга олинмоғи зарур» [2.3]

Биз ушбу масаладаги назарий хулосаларни умумлаштиришда ўз тадқиқотини маънавий тарбиянинг тарихий аспектларига, шунингдек, ижтимоий-педагогик маънодаги маънавий тарбияга, яъни оддий бир инсон қалбини поклашдан тортиб бутун жамиятни поклашгача бўлган маънавий-руҳий ишларни қамраб олувчи мураккаб жараён – жамият ахлоқи ва маънавиятини шакллантириш механизми сифатида талқин этган олима С.М.Йўлдошеванинг илмий хулосаларига ҳам тўхталиб ўтамиз. Зеро, тадқиқотчи ўз изланишларида ёш авлоднинг маънан соғлом бўлиб ўсиши ва тарбияланиши учун оила, таълим-тарбия муассасалари, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг тарбиявий ҳамкорлиги ижтимоий-педагогик асосланган тизимга қурилиши лозим, деган хулосага келган. Олима соғлом авлодни маънавий тарбиялашнинг ижтимоий-педагогик омиллар тизимига мутассадди давлат ташкилотлари, оила, таълим ва қўшимча таълим муассасалари, матбуот органлари, оммавий ахборот воситалари, нодавлат жамоат ташкилотлари, маданий-маърифий муассасалар, фан ва илмий муассасаларни киритган. Шунингдек, «Оила» Республика илмий-амалий маркази, “Маънавият тарғибот” марказлари, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, “Соғлом авлод учун”, “Камолот” ЁИҲ, “Нуроний”, “Болалар фонди”, “Меҳрибонлик” жамғармалари, “Умид”, “Улуғбек”, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг соғлом авлод тарбиясидаги ҳамкорлигини ижтимоий-педагогик асосга қуриш зарурати алоҳида таъкидланган [3.25].

Биз тадқиқот мавзуимиз бевосита олий ўқув юрти маънавий-маърифий ишлар тизими бўлгани боис юқорида фикрлари келтирилган педагог олимларимизнинг назарий-услубий қарашларидан фойдаланган ҳолда олий ўқув юрти маънавий-маърифий ишлар тизимининг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ижтимоий-педагогик ҳамкорлик тажрибасини ўргандик. Тадқиқот жараёнида олий ўқув юрти билан давлат, нодавлат ташкилотлари ижтимоий-педагогик ҳамкорлигининг икки томонлама йўналишга эга эканлиги аниқ даражада ишланган. Жумладан, “Тарбиявий ҳамкорликнинг асосий компонентлари”, “Таълимдан ташқари муассасалар ўзаро тарбиявий ҳамкорлик моҳияти, тузилиши ва мезон лари” тавсифланган. Тарбиявий ҳамкорлик ижодкор шахсни тарбиялашнинг муҳим шарти бўлиб, бу ҳамкорлик субъектлари фаолиятининг мақсад бирлиги, тарбиявий таъсир объектининг битта (умумий)лиги, уларнинг функциялари орасидаги умумийлик ва хусусийликнинг мавжудлигидадир.

Мавжуд назарий хулосалар ва амалий тажрибани умумлаштирган ҳолда, олий ўқув юртлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари орасидаги тарбиявий ҳамкорликнинг 4 даражаси асосланди:

Ижтимоий-сиёсий зарурат даражаси
Бошқарув даражаси
Функционал даража
Шахс даражаси

Ижтимоий-сиёсий зарурат даражасидаги тарбиявий ҳамкорлик барча давлат ва нодавлат ташкилотлари, жумладан, олий ўқув юртларининг ҳам зиммасига Республика ҳукумати, Давлат дастурида белгиланган ҳамкорлик:

Бошқарув даражасидаги ҳамкорлик – олий ўқув юртларининг талабалар тарбиясида етакчилигига таянувчи ҳамкорлик. Бу даражада олий ўқув юрти ва давлат, нодавлат ташкилотлар орасидаги қўшма тадбирларни ўтказиш, билвосита тарбиявий ҳамкорлик ташкил этилади.

Функционал даражадаги тарбиявий ҳамкорлик эса академик гуруҳлар мураббийлари ва давлат, нодавлат ташкилотлари маънавият ва маърифат бўлимлари даражасида намоён бўлади.

Шахс даражасидаги тарбиявий ҳамкорлик эса бевосита, яъни мувофиқлашган тарбиявий таъсирларнинг умумий объекти – талабалар орқали амалга оширилади. Бунда талаба тарбиявий ҳамкорликнинг нафақат объекти, балки субъектига ҳам айланади. Яъни талабалар уларни тарбиялашни ўз вазифаси сифатида белгилаб олган ташкилотларни бир-бирига боғлаб, уларнинг доимий диққат марказида туради. Юқоридаги тарбиявий ҳамкорлик даражаларининг ҳар бири муҳим, зарур ва уларнинг мавжудлиги олий ўқув юрти ва давлат, нодавлат ташкилотлари, оила орасидаги ҳамкорлик самарадорлигини таъминлайди. Ана шу назарий хулоса билан биз олий ўқув юртларида тарбиявий ҳамкорлик алоқаларини ўрганиш ва такомиллаштиришга киришдик.

Амалиётни ўрганиш давомида биргина Андижон Давлат университети талабалар тарбияси бўйича ҳамкорлик ўрнатган давлат ва нодавлат ташкилотлари рўйхати тузилди:

Андижон вилоят ҳокимлиги;

Туман/шаҳар ҳокимликлари;

“Ишонч” маркази;

“Соғлом авлод” жамғармаси;

“Қизил ярим ой” жамияти вилоят, туман бўлимлари;

Вилоят “ОИТС” маркази;

Вилоят “Наркология” диспансери;

Вилоят Хотин-қизлар қўмитаси;

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши;

“Сардорлар” кенгаши;

“Спорт” клуби;

Вилоят театрлари;

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги вилоят бошқармаси;

“Нуроний” жамғармаси;

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди;

“Ҳунарманд” уюшмаси;

“Тадбиркор” клуби;

“Лидер аёллар Маркази”;

“Омбуцмен” экперт комиссияси;

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими;

Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими;

Жамоа, ширкат хўжаликлари раҳбарлари;

Вилоят Миллий хавфсизлик қўмитаси;

Вилоят Ички ишлар бошқармаси;

Вилоят туманлари ҳокимликлари;

“Болалар” жамғармаси;

Вилоят газеталари;

Вилоят телерадиокомпанияси.

Мазкур давлат ва нодавлат ташкилотлари талабалар маънавий тарбиясининг ижтимоий субъектлари сифатида турли йўналишларда иштирок этадилар. Албатта, ҳар бир олий ўқув юрти ўз тарихи, ўз ҳудуди, ўз талабалари, ўз профессор-ўқитувчилари таркибидан иборат бўлади. Шу сабабли барча олий ўқув юртлари маънавий-маърифий ишларида умумийлик (Республика миқёсида, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгилаб берилувчи директив ҳужжатлар, буйруқ, кўрсатмалар) билан биргаликда фақат ўша олий ўқув юрти учун хос бўлган хусусийлик ҳам мавжуд бўлади. Бу олий ўқув юрти маънавий-маърифий ишлар мазмуни, мақсади, шакллари, воситалари, йўналишларида акс этади.

Мамлакатимиздаги маънавий тикланишнинг ҳозирги босқичида фуқарони, хусусан, талаба-ёшларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашнинг аҳамияти тобора ошмоқда. Шу боис, олий ўқув юртлари маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан янгилаш, ислоҳ қилиш – Ўзбекистоннинг буюк келажагини таъминлашнинг бош шартларидан бири деб эътироф қилмоқ керак. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кейинги йилларда айрим ёшларда миллатга, Ватанга фойда келтиришни ўйлаш, мустақилликни мустаҳкамлашда фойдали инсон бўлиб етишиш ҳисси махсус, илмий асосда шакллантирилмаганлиги туфайли шахсий манфаатни ўйлаш, енгил йўллар билан тўкис ҳаётга интилиш ҳисси намоён бўлмоқда. Шу билан бирга, айрим талабалар орасида маънавий чекланганлик, дунёқарашнинг торлиги туфайли ёт ғояларга алданиш, миллий одоб меъёрларига риоя қилмаслик, сўз ва иш орасидаги тафовут, миллий ғурурнинг сустлиги каби нохуш кўринишлар учраб турадики, уларни илмий асосда ўрганиб, бартараф қилиш лозим. Мазкур умуммиллий аҳамиятга молик ишни амалга оширишда реал асосдаги ижтимоий ҳамкорликни йўл-

га қўйиш, бир ёқадан бош чиқарган ҳолда аниқ мақсадли, замона талаб-эҳтиёжларига мувофиқ мазмун ва шаклдаги тадбирларни амалга ошириш муваффақаят гаровидир. Зеро, ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш бугун жамиятимиз олдидаги асосий вазифалардан бири экан, бу ишда ижтимоий ҳамкорлик қилиш барчанинг зиммасидаги бурчидир.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.- Т.: Маънавият, 2008
2. Қурбонов Ш, Саидова Х, Аҳлиддинов Р. Баркамол авлод орзуси. Тўлдирилган 2-нашри.- Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти, 2000.
3.Йўлдошева С.М. Ёш авлод тарбиясининг ижтимоий-педагогик масалалари.- Т., 2007

Андижон давлат университети,
2013 йил 2 мартда қабул қилинган.
(Тақризчи: проф. Т.Х.Ҳасанов)